

ТИББИЙ НУТҚДАГИ ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ДИСКУРСИВ ХУСУСИЯТЛАР

Ёрова Сайёра Каримовна

Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети

Тиллар кафедраси мудири PhD,

Насимова Сохиба Яхъёевна

Инглиз тили ўқитувчи

Аннотация: Лисоний шахс тилшунослик назарияси объекти сифатида бугунги кунда кўплаб нутқ фаолиятига алоқадор бўлган хусусий илмий соҳаларнинг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, функционал стилистика, нутқ маданияти, риторика, прагматлингвистика, психоллингвистика, когнитив тилшунослик, социология, этнолингвистика, лингвомаданиятшунослик, матн тилшунослиги кабилардир. Маълумки, шахс фаолиятини тилшунослик соҳасидан ташқарида ёки тилга оид тадқиқотларни шахс билан боғлиқ тарзда ўрганмаслик мумкин эмас.

Калит сўзлар: маданият, ходим, ёзма нутқ, оғзаки нутқ, тил бирликлари, миллий.

Турли маданиятларда шахсга мурожаат турлича шаклланган. Жумладан, рус маданиятида формал кўринишда “Хурматли + исми, шарифи!” билан мурожаат қилиш кенг тарқалган бўлса, инглиз маданиятида мистер, сэр (аёлларга нисбатан мисс, мадам) каби тил бирлиги ва фамилиянинг қўлланилиши амал қилади. Ижтимоий шароитда “азиз + исми, шарифи!” (Dear + name) тарзида ифодаланиши шахсга кўпроқ эътибор қаратиб, адресатни эътиборини қаратишни белгилайди. Шу каби мурожаат усуллари асосан махсус тадбирларда, бирор тадбир билан боғлиқ тилаклар билдиришда, таклифномаларда ўз аксини топади. Ўзбек маданиятида мурожаат тури одатда ёшга нисбатан қаралса-да, ижтимоий мавқеи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, раҳбар ходимга нисбатан исм ва шарифни қўллаш рус маданиятидан ўзлашган бўлса-да кенг қўлланилади. Ижтимоий муҳитда танимаган кишига нисбатан “ака” (опа), ёш нисбатан кичиклиги аниқ бўлса “ука”, “дўстим” каби мурожаат усуллари фойдаланилади. Шунингдек, баъзи ҳолларда касбга қараб мурожаат қилиш ҳам мулоқотдошга нисбатан хурмат белгиси саналади. Мисол учун “домла ёки устоз (олий таълим ва касб-хунар коллежлари ўқитувчисига)”, “дўхтир (тиббиёт ходимига)”, “уста (бирор касб-хунар вакилига)” каби қўлланишлар ҳам кенг тус олган.

Умуман олганда ғарб, жумладан инглиз маданиятида “Хурматли + жаноб + лавозим!”, “Хурматли + жаноб + фамилияси!” қўлланилиши муайян шахсга хушмуомалалик билан мурожаат қилиш шакли ҳам саналади. Мазкур мурожаат усули расмий доиралардаги мулоқот жараёнида кузатилади. Аммо, “Хурматли + жаноб + фамилия + исм-шарифи!” каби қўлланилиш кузатилмайди. Бу каби мурожаат адресантнинг коммуникатив нўноқлигидан ёки расмий мулоқот услублари кўникмасининг етишмаслигини кўрсатади.

Нутқ яратилиши жараёнида сўзловчи ўз нутқини тингловчининг реакциясига қараб ўзгартириб боради. Таъкидлаш лозимки, нутқни режалаштириш ҳамда унинг воқеланиши деярли бир вақтнинг ўзида амалга оширилади. Инсон ҳар доим ҳам ўз нутқининг қандай шаклда ифодаланишини олдиндан билвермайди, чунки бир жумла ёки сўз бошқа жумла ёки сўзни айтишни тақозо қилади. Когнитивистлар фикрига кўра, бу жараён грамматик монитор қурилма (мониторинг) назорати остида кечади (Д.Худайберганаева, 2015;24). Ёзма нутқ оғзаки нутққа қараганда расмий кўринишга эга бўлади. Ўзбек маданиятида, жумладан халқ вакиллари, илм-фан

ва маданият соҳаси мутасаддилари, тиббиёт ходимлари ҳамда юксак лавозимдаги амалдорларга ёзма мурожаат қилинганда одатда “хурмат ва эҳтиром билан”, “қадрли”, “самимий илтифот ила”, “чуқур хурмат билан” каби нутқ бирликлари кенг қўлланилади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, мурожаатнинг бу каби усуллари шахслараро ижтимоий масофани тартибга солиш учун хизмат қилади, нутқ маданиятининг бир кўриниши белгиси саналади. Расмий мулоқот шароитида исм-шариф, касбий лавозими қўлланилиши ва норасмий шароитда исм, исм+ака, исм+ука, шунингдек нотаниш муҳитда “ака”, “оға”, “қадрдон”, “ўртоқ” ва шу каби қатор қўлланишлар ўзбек анъанавий нутқ маданиятига хос хусусият ҳисобланади.

Ижтимоий шароитда гендер ва ёш билан боғлиқ мурожаат усуллари ҳам ҳар бир маданиятда ўзига хос ифодаланиш усулларига эга. Инглиз маданиятида ҳар қандай ёшдаги ёши улуғ кишига нисбатан “**Sir**”, ёши катта аёлга нисбатан “**Madam**” ёки “**Ma'am**”, агарда таниш эркак киши бўлса **Mr** + фамилия, аёл кишига эса **Mrs** + фамилия, турмушга чиқмаган қизлар учун **Ms** + фамилия ёки **Miss** + фамилия тарзида мурожаат қилинади. Касбий нуқтаи назардан инглиз маданиятида **Dr** + фамилия ёки исм, **Professor** + фамилия каби мурожаат турларидан фойдаланилади. Бирор кишининг эътиборини қаратиш мақсадида “Excuse me, Sir” ёки аёл кишига “Pardon me, Madam/Ma'am” каби нутқий бирликлар қўлланилади. Инглиз маданиятида танимаган кишидан қай тарзда мурожаат қилиш мумкинлигини сўраш ҳам одатий ҳодиса саналади. Бу каби вазиятда “What should I call you? What should I call your mum / the teacher / the manager? Can I call your first name?” тарзидаги нутқий актлардан фойдаланилади.

Ўзбек маданиятида ёшга нисбатан мурожаат усуллари ўзига хос анъаналарга эга. Мазкур анъаналар авлоддан авлодга ўтиб келган қадриятлар сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Жумладан, ёши нисбатан катта кишига исмидан сўнг “ака” сўзини қўшиб ишлатиш, ёши улуғ кишига “бобо”, ҳаж сафарини амалга оширган бўлса “Ҳожи бобо” каби қўлланишларга эга. Шунингдек, диний-маданий мавқега қараб ҳам қўлланиладиган мурожаат шакллари мавжуд (Эшон бобо, эшон ака ва хоказо). Масалан:

- Ҳимматингиз шуми, Эшон ака? Бу қизларга совға-повға олиб келмадингизми?
Усмонхўжаев ҳазил билан қутилмоқчи бўлди (Саид Аҳмад, 2001,145).

Нутқий муносабатлар, мурожаатлар хусусий, яъни яқин кишилар ўртасидаги кечими ҳам миллий-маданий асосга эга ўзига хос тил бирликларида ифодаланади. Жумладан, яқин дўстига, оиланинг кичик аъзосига нисбатан “Honey”, “Dear”, “Sweetie”, “Love”, “Darling” “Babe” ёки “Baby” тарзидаги мурожаат усуллари мавжуд. Бундан ташқари, оғзаки нутқда дўстона муносабатларга эга яқин кишилар ўртасида “old man” ёки “old chap” мурожаат шакллари ишлатилади. Бунда, “old” (қария) сўзи ёшга нисбатан эмас, балки адресатга нисбатан яқинлик маъносини англатади. Масалан: “Come again, old man”, said fussy little man, at the door. “Always glad to see you here”.

Ўзбек лингвомаданиятида ҳам шунга ўхшаш тил бирликлари оила аъзолари, ишқий яқин кишиларга нисбатан бобо, буви, дадаси, аяси, асалим, куюшим; бебаҳо олтиним; жоним ва шу каби тил бирликлари қўлланилади.

Шунинг учун ҳам тил тадқиқотларида лисоний шахс ва унинг жамиятдаги фаолиятини, ўрнини белгилаш ҳам муҳим саналади. Лисоний шахсни маълум соҳага оид дискурсадаги имкониятларини ўрганиш нафақат тилшунослик, балки ўша соҳа илмий тадқиқотлари учун ҳам муҳим саналади. Жумладан, тиббий дискурсада лисоний шахсни тадқиқи бунга мисол бўлиши мумкин.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Yorova, S. A. Y. O. R. A., & Nasimova, S. O. H. I. B. A. (2019). The ways of teaching languages at medical institutions.
2. Yakhyaevna, N. S. (2023). HISTORY OF ENGLISH WRITING DOCUMENTS IN THE MIDDLE AGES. Research Focus, 2(10), 41-45.

3. Yaxyayevna, N. S. (2023). FONOLOGIYA VA UNING TURLARI. " XXI ASRDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR, FAN VA TA'LIM TARAQQIYOTIDAGI DOLZARB MUAMMOLAR" nomli respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi, 1(12), 5-9.
4. Yaxyayevna, N. S. (2023). ANALYZING DIALECTS AND WRITTEN DOCUMENTS IN MIDDLE ENGLISH PERIOD. *Journal of Universal Science Research*, 1(6), 458-463.
5. Ёрова, С. (2023). ТИББИЙ НУТҚНИНГ ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ АСОСЛАРИ. *Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования*, 2(1), 35-38.
6. Yorova, S., & Nasimova, S. ELECTRONIC COLLECTED MATERIALS OF XI JUNIOR RESEARCHERS'CONFERENCE 2019 Linguistics, literature, philology 7 UDC 372.881 THE WAYS OF TEACHING LANGUAGES AT MEDICAL INSTITUTIONS Samarkand State Medical Institute.
7. Karimovna, Y. S., & Shahbaz, Z. (2024). GENERAL IDEA, WORD FORMATION, GREEK SUFFIXES AND PREFIXES. *Multidisciplinary Journal of Science and Technology*, 4(1), 270-275.
8. Genjebayevna, A. P., & Equebal, A. (2023). NOUNS IS THE 3RD DECLENSION. *Yangi O'zbekistonda Tabiiy va Ijtimoiy-gumanitar fanlar respublika ilmiy amaliy konferensiyasi*, 1(7), 101-106.
9. Yorova, S. K., & Iqbal, I. (2023). HISTORY OF MEDICAL TERMINOLOGY. *Journal of Universal Science Research*, 1(9), 158-164.
10. Parvina, O. (2023). Theoretical and Methodological Foundations for the Formation of Communicative Competence of Medical Students. *American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769)*, 1(3), 1-3.
11. Genjebayevna, A. P. (2020). The role of interactive methods in teaching foreign languages in higher education institutions.
12. Aitmuratova, P., Yorova, S., & Esanova, M. (2023). The role of foreign languages in our life. Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences, 2(4), 161-164.
13. Genjebayevna, A. P., & Selvam, P. (2023, November). NOUN OF THE 3d DECLENSION (FEMININE GENDER). In *International conference on multidisciplinary science (Vol. 1, No. 5, pp. 215-218)*.
14. Normurodova, S. M., & Yorova, S. K. (2023). Nemis tili frazeologik birikmalari va tilning lug'at boyligi. *Science and Education*, 4(2), 1672-1675.
15. Kenjayevna, B. M. Aitmuratova Per Khan Genjebayevna THE MAIN METHODS OF FOREIGN LANGUAGE TEACHING *International Journal of Language. Linguistics, Literature and Culture*, 2.
16. Azzamova Umida Alisherovna, & Bukhari Syed Ahmad. (2024). THE HISTORY OF THE ORIGIN OF MEDICAL TERMS AND THEIR IMPORTANCE TODAY. *TECHNICAL SCIENCE RESEARCH IN UZBEKISTAN*, 2(1), 253–259.
17. <http://www.menshealth.co.uk>, 2008
18. <http://www.menshealth.co.uk>, 2017
19. vk.com/bastau/audioscripts
20. <http://eas.uni-sofia.bg/text-linguistics>